

## КИЧИК ҲАЖМЛИ ҒАЛЛАЯНЧГИЧ



Республикаимиз шароитида ҳам донли экинларни одатдагидан ўртача 7-10 кун эртарок бошлаш имконияти мавжуд. Бунда ғалла мум пишиш даврида пояси билан йиғиштирилиб, маълум муддат сақланиб етилтирилади ва сўнгра ишлов берилиб янчиб олинади. Шунга асосан ушбу ўрим усули қўлланиладиган хўжаликларда ғаллани янчиб донини ажратиш олишда ишлатиладиган кичик ҳажмли ғаллаянчгич ишлаб чиқилди.

Ғаллаянчгич асосан рама, узатиш нови, тангенциал роторли янчиш ва ажратиш аппаратлари, вентилятор, элак ва дон юклаш механизмидан ташкил топган. Хозирги мавжуд машиналардан фарқли равишда ғаллаянчгичда донли масса янчиш аппаратида кўндаланг узатилиши ва унинг ичида ён томонга ҳаракатлантирилиши ҳисобига тангенциал ҳаракат қилади.

Натижада донли масса янчиш аппаратида кўп зарбали таъсирга учрамайди ва сомон майдаланиб кетиб тозалаш қисмини ортиқча юклантирмайди. Шунда янчилган донни тозалаш учун кичикроқ ўлчамдаги тозалаш юзаси (элак) ҳам етарли бўлади. Бу эса ғаллаянчгич габарит ўлчамларини кичик ҳажмда сақлаб қолишга имкон беради. Донли массага зарбали таъсирлар камайиб, унинг “майин” янчилиши ҳисобига доннинг шикастланиши ҳам камаяди.

### Техник тавсифи

Иш унумдорлиги, кг/ соат	600-900
Иш сифат кўрсаткичлари, %	
- дон тозаллиги	99,0-99,5
- дон нобудгарчилиги	0,4 - 0,5
- бошоқчаларни ишқалаш тўлиқлиги	1,0 - 1,5
- доннинг шикастланиши	94 - 95
Талаб этадиган қуввати, кВт	2,7
Габарит ўлчамлари (узунлиги х эни х баландлиги), мм	1700x1350x1000
Оғирлиги, кг	520

Саноат нусхасини тайёрлаб, давлат қабул синовидан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва  
электрлаштириш ИТИ  
Муаллиф: Астонақулов К.  
Тел.: +998901254574 e.mail: [qxmeiti@agro.uz](mailto:qxmeiti@agro.uz)

## ДОН ТОЗАЛАШ МАШИНАСИ



Ҳозирда йиғиштириб олинаётган дон таркибида бегона қўшилмалар миқдори ўртача 4-6 % ни ташкил этапти, дон тайёрлашнинг базис меъёрларига кўра дон таркибида бегона аралашмалар 1,0 фоиздан кўп бўлмаслиги керак. Шунини ҳисобга олиб фермер ва деҳқон хўжаликлари учун мавжуд машиналардан иш сифат кўрсаткичлари юқори, энергия сарфи – 1,5-2 марта кам, металл сарфи – 4-5 марта кам ҳамда дон таркибидаги чала янчилган бошоқ қисмларига ишлов бериш ҳисобига 2-3 фоиз қўшимча дон олиш имконини берадиган дон тозалаш машинаси ишлаб чиқилди. Машина фермер ва деҳқон хўжаликлари шароитида донли ва мойли экинлар донини тозалашга ва ажратиб олинган аралашмалар таркибидаги янчилмай қолган бошоқчаларга ишлов бериб, донини ажратиб олишга мўлжалланган.

Саноат намунасини ясаш, давлат синовларидан ўтказиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак.

### Техник тавсифи

Иш унумдорлиги, кг/ соат	300-350
Иш сифат кўрсаткичлари, %	
- дон тозаллиги	99,0-99,6
- дон нобудгарчилиги	0,4-0,5
- бошоқларни ишқалаш тўлиқлиги	80,0-85,0
- дон шикастланиши	0,5
Талаб этадиган қуввати, кВт	1,8
Габарит ўлчамлари (узунлиги х эни х баландлиги), мм	1500 х 800 х 1100
Оғирлиги, кг	305

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
ва электрлаштириш ИТИ (ҚХМЭИ)  
Астонақулов Комил: (+998901254574)  
Каримов Махмуд: (+998977855225)  
Email: [gxmeiti@agro.uz](mailto:gxmeiti@agro.uz)

# ҚОБИҚЛИ СЎТАЛАРНИНГ ДОНЛАРИНИ АЖРАТУВЧИ ҚУРИЛМА



Республикамиз шароити учун маккажўхорини донга йиғиштиришда уни қобиқларидан тозаласдан сўта холида йиғиштириш бир мунча мақбул ҳисобланади. Сабаби, бу усулда ҳосил одатдагидан 10-15 кун эртароқ йиғиштирилиши билан бирга сўталарнинг қобиқларидан тозаланмаслиги ҳисобига ўрим-йиғим машинасининг иш унуми 20 фоизга ортади, дон нобудгарчилиги ва ёқилғи сарфи эса 10-15 фоизга камаяди. Сўталарнинг қобиқлар билан ўралган ҳолатда бўлиши уни юклаш, ташиш ва тушириш пайтида донининг зарарланиши ва нобуд бўлишини кескин камайтиради. Сўтаянчгич қурилма сўталарни йиғиб, хирмонда стационар шароитда янчиб донини ажратиб олувчи машиналар комплексида қўлланилганда, сўталарнинг қобиқларидан тозалаш жараёнини бартараф этилиши ҳисобига эксплуатацион сарф-ҳаражатларни 25-30 фоизга камайтириш, мавжуд машиналарга нисбатан иш сифатини ошириш ҳисобига юқори иқтисодий самара олиш имконини беради.

## Қисқача техник тавсифи

Иш унумдорлиги, кг/ соат	1800-2000
Иш сифат кўрсаткичлари, %	
- янчиш тўлиқлиги	99,4
- дон нобудгарчилиги	0,6
- дон тозалиги	99,2
- доннинг шикастланиши	0,9
Талаб этадиган қуввати, кВт	5,0
Габарит ўлчамлари (узунлиги х эни х баландлиги), мм	1500х1000х1000
Оғирлиги, кг	350

Саноат намунасини яшаш, давлат синовларидан ўтказиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
ва электрлаштириш ИТИ (ҚХМЭИ)  
Астонақулов К., Фозилов Ғ.  
Тел: (+99890)-125-45-74  
Email: [qxmeiti@agro.uz](mailto:qxmeiti@agro.uz)

# ДОН МАЙДАЛАГИЧ-ЭЗГИЧ



Дон майдалагич-эзгич бугдой, арпа, сули, жавдар ва маккажўхори каби донларни майдалаб, чорвачилик ва паррандачилик учун омухта ем сифатида ишлатишга мўлжалланган. Қурилма майдаловчи ва эзувчи ишчи қисмлардан иборат бўлиб, улар битта роторда, аммо алоҳида камераларда жойлаштирилган. Биринчи камерада донлар маълум бир ўлчамгача майдаланади ва туйнук орқали иккинчи камерага ўтади. Бу камерада эса майдаланган донлар керакли ўлчамда эзилади. Майдаланган масса чиқиш туйнуғи орқали чиқариб юборилади.

Дон майдалагич-эзгичнинг чорвачиликда қўлланилиши иш унумини 2-3 мартага, озуқа сифатини 1,3-1,5 мартага оширишга, нобудгарчиликни эса 20-30 % камайтиришга имкон беради.

## Техник тавсифи

Иш унумдорлиги, кг/ соат	180-250
Майдаловчи иш органи	болғачали ротор
Майдаланиш даражаси:	
2 мм гача	89,3
2-3 мм оралиғида	7,5
3 мм дан катта	3,2
Талаб этадиган қуввати, кВт	3,0
Габарит ўлчамлари (узунлиги х эни х баландлиги), мм	720х400х980
Оғирлиги, кг	125

“Навоий машинасозлик заводи” ИЧБда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Давлат қабул синовидан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
ва электрлаштириш ИТИ  
Астонақулов К., Очилдиев О.  
Тел.: +998 90 125-45-74  
Email: [qxmeiti@agro.uz](mailto:qxmeiti@agro.uz)



# ДАҒАЛ ХАШАК МАЙДАЛАГИЧ-ЭЗГИЧ



Дағал хашак майдалагич дехкон ва фермер хўжаликларидида қўлда ёки ўргич-уномлагичлар ёрдамида ўрилган дағал хашакларни майдалашга мўлжалланган. Дағал хашак майдалагич кўчма бўлиб, турғун шароитда ишлайди ва тахланган ёки тахланмаган дағал хашак пояларини майдалаб беради. Хашак майдалагич иш органлари икки томонлама кесувчи ва майдаловчи юзаларга эга бўлиб, ишлаш давомида бир томони ейилганда тескарисига ўрнатилиб, иккинчи ишчи юзасидан фойдаланиш мумкин. Бу эса улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

## Техник тавсифи

Иш унумдорлиги, кг/ соат	400-500
Майдаланган массада фракцияларга ажралиши %	
- сомон узунлиги 3...8 см	86,4
- сомон узунлиги 3 см дан кичик	13,6
- маккажўхори пояси узунлиги 3...8 см	84,9
- маккажўхори пояси узунлиги 3 см дан кичик	15,1
- ғумай узунлиги 3...8 см	87,2
- ғумай узунлиги 3 см дан кичик	12,8
- хашак ва беда узунлиги 3...8 см	78,7
- хашак ва беда узунлиги 3 см дан кичик	21,3
Пояларнинг майдаланиши:	
- маккажўхори, %	99,2
- сомон, %	98,8
- хашак ва беда, %	97,1
Талаб этадиган қуввати, кВт	3,2
Габарит ўлчамлари (узунлиги х эни х баландлиги), мм	1020x1240x935
Оғирлиги, кг	190

Саноат нусхасини тайёрлаб, давлат қабул синовидан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
ва электрлаштириш ИТИ (ҚХМЭИ)  
Астонакулов Комил, Хатамов Бобомурод  
Тел: (+99890)-125-45-74  
Email: [qxmeiti@agro.uz](mailto:qxmeiti@agro.uz)**